

ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА КАМ ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА АНЪАНАВИЙЛИККА ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИККА ЭЪТИБОР (НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР МИСОЛИДА)

Тошниёзов О.Х.

ТАҚИ, Катта ўқитувчи E-mail

Гойматов Ў

ТАҚИ Ассистент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7443078>

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги замонавий қишлоқларимизни барпо қилишда анъаналаримиздан оқилона фойдаланиш зарурлиги тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Турар-жой, анъана, намунавий, қибла.

ВНИМАНИЕ НА ТРАДИЦИОННОСТЬ И ЭНЕРГОСБЕРЕЖЕНИЕ ПРИ ПРОЕКТИРОВАНИИ МАЛЫХ ЭТАЖНЫХ ЖИЛЫХ ЗДАНИЙ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ (ПРИМЕРЫ ПРОЕКТОВ)

Аннотация. В данной статье констатируется разумное использование национальных традиций в создании современных сёл.

Ключевые слова: резиденция, традиция, модель, кибла.

ATTENTION TO TRADITIONALITY AND ENERGY SAVING IN THE DESIGN OF LOW-STORY RESIDENTIAL BUILDINGS IN RURAL AREAS (EXAMPLE PROJECTS)

Abstract. This article states the reasonable use of national traditions in the creation of modern villages.

Keywords: Residence, tradition, model, qibla.

КИРИШ

Инсоният пайдо бўлибдики, яшаш учун ўзига бошпана қуриш билан шуғулланиб келади. Асрлар давомида шаклланиб келган бу анъана бугунги кунга келиб ер юзасининг турли жойларида турлича кўринишга эгаллиги ҳаммамизга маълум. Бутун мусулмон дийрларида ўзига хос ривожланган турар-жой биноларининг турлари иқлим шароитларидан келиб чиқиб турлича кўринишга эга. Ўзбекистон қишлоқ жойларидаги уйлар ҳам шулар жумласидан. Республикаимизнинг барча вилоятларида иқлим турлича бўлганлиги сабабли турар-жой биноларини лойиҳалаштиришнинг турли мактаблари мавжуд. Лекин биз анъаналаримиздан келиб чиқиб умумий ўхшаш жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Ҳаммамизга маълумки, 2009 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинганлиги ҳамда 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1167 сонли қарорига асосан қишлоқларимизнинг бош режалари қайта ишлана бошланди¹. Ишлаб чиқилган бош режаларга мувофиқ кўплаб қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уйлар қурилди ва қурилмоқда. Чекка-чекка қишлоқлардаги бетартиб қурилган аҳоли пунктлари ўрнида ҳам замонавий шаҳар типига аҳоли пунктлари пайдо бўлди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

2009 йилда кўплаб намунавий лойиҳалар ишлатилган бўлса, 2010 йилга келиб 3 та намунавий лойиҳалар қуриладиган бўлди. Бу лойиҳалар аввалгиларга нисбатан анча пухта ишланган. Лойиҳалар “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар бир қаватли 3,4 ва 5 хонали уйлардир. Айниқса 4 хоналиги анча қулай ва ихчам кўринишда ишлаб чиқилган (1-2 расмлар). Ушбу лойиҳалар соддалиги, ихчамлиги ва кам харажат талаб этиши билан аввалгиларидан ажралиб туради. Лойиҳалар қишлоқ аҳолисининг руҳини кўтариб, бундай уйларда яшашга қизиқувчилар сони кундан-кунга ортиб боришига сабаб бўляпти.

Бугунги кунгача ушбу лойиҳалар асосида Республикамининг барча вилоятларида уйлар қурилди. Ҳар бир массивда камида 20 тадан қурилаётган бу уйлар имкон қадар катта йўл ёқаларида қуриляпти. Баъзи ер танқис бўлган туманларда бетартиб қурилган уйларнинг ўрнига қурилиш амалга оширилмоқда. Қурилиш учун аввалига 0.06 га ерлар ажратилган бўлса кейинчалик 0.04 га ва ҳатто 0.02 га ер майдонларига қурилиш давом эттирилди. Бу эса қишлоқларимизнинг чиройига янада чирой кўшада. Ушбу лойиҳаларда уйни иситиш ва иссиқ сув учун қозонхона уйнинг ўзида жойлаштирилганлиги энергия тежалишига сабаб бўлади. Ёдингизда бўлса авваллари кам қаватли турар-жой биноларида қозонхона ҳовлининг бир чеккасида жойлаштирилган эди, бу эса энергия йўқолишига ва коммуникациялар харажатиининг ошиб кетишига олиб келар эди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Лойиҳа 2 қаватли томорқали уйлардан тубдан фарқ қилмайди, фарқи шундаки, бу уйлар фақат икки қарама-қарши томонга ёруғлик (томорқали уйлар эса 3-4 томони очиқ, ёруғликни хоҳлаган томондан) бериш мумкин. Хонодонга кириш, асосан, кўча томондан ташкил этилган бўлиб, йўлак билан умумий хона ва ошхонадан ҳовлига чиқишга қулай шароит яратилган бўлиши керак. Ёзги хона (айвон), асосан, ҳовли томонда жойлашган бўлиб, умумий хона ва ошхона билан чамбарчас боғланган бўлиши шарт. Бу уйлар “қизил чизиқ” дан 6 метр ташлаб қурилади. Уй олдида панжарали гулхона, кириш ва чиқиш учун дарвоза, ёки эшик ўрнатилади. Томорқанинг орқа томони эса тор хўжалик кўчасига қаратилган бўлиб, унинг хўжалик хоналари шу томонда жойлаштирилган бўлади. Уй атрофига гулзорлар, ҳовузлар, ёзги ошхона, соябонлар ва дарахтлар ўтказилади, Қолган ер сатҳи сабзавотлар ва мевали дарахтлар, узумзорлар учун ишлатилади. Гараж учун ҳам қулай жой танлаш зарур. У уй ичида ҳам бўлиши мумкин. Уйларни қулай жойлаштириш учун уларни бирлаштириш, яъни битта том остида жойлаштириш мумкин².

Бу борадаги ишларни амалга оширишда ютуқлар билан биргаликда баъзи муаммоларга ҳам дуч келинапти. Масалан ишлаб чиқилаётган бош режаларда кўчаларнинг кенглиги 14-16 метрни ташкил қилмоқда, бу эса қишлоқ аҳоли пунктлари учун камлик қилади. Чунки қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги деҳқончилик маҳсулотларини ўз ҳовлисида етиштиради. Ҳатто чорвачилик билан ҳам шуғилланишади. Шундай экан 14-16 метрли кўчалар қишлоқ аҳоли



1-расм. 4 хонали намунавий уй лойиҳасининг ички кўриниши.

қилмоқда, бу эса қишлоқ аҳоли пунктлари учун камлик қилади. Чунки қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги деҳқончилик маҳсулотларини ўз ҳовлисида етиштиради. Ҳатто чорвачилик билан ҳам шуғилланишади. Шундай экан 14-16 метрли кўчалар қишлоқ аҳоли

пунктлари учун камлик қилади. Кўчаларни камида 18-20 метр қилиб лойилаштириш зарур. Шунда кўчаларда юк мошиналари бемалол ҳаракатланади ва бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига ҳам таъсир қилмайди. Шу билан биргаликда анъаналаримиздан келиб чиқиб, аҳоли пунктларимиздаги кўчаларимизни масжидларга параллел ёки перпендикуляр ҳолатда жойлаштиришимиз лозим деб ўйлаймиз. Чунки ҳожатхоналар, ювиниш хоналари ва ётоқхоналарни қиблага нисбатан тўғри жойлаштиришда бу муҳим ҳисобланади. Намозхоналарда ҳам қибланинг хона бурчагига тўғри келиб қолмаслигининг олдини ҳам олади.



2-расм. 4 хонали намунавий уй лойиҳасининг умумий кўриниши.

Аҳолининг ҳар хил қатламларини ҳисобга олган ҳолда уйларнинг нарҳини ҳам янада арзонлаштириш учун намунавий лойиҳалар устида ҳали ишлаш лозим деб ўйлайман. Намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқишда лойиҳанинг тархий ечимига кўпроқ эътиборни қаратиш даркор. Ота-боболаримиздан бизгача етиб келган архитектура ва қурилиш соҳасидаги барча анъаналардан замонавий турар-жойларни лойиҳалашда ва қуришда оқилона фойдаланишни унитмаслигимиз лозим. Бугунги

уйлар қанчалик замонавий бўлмасин унда миллий анъаналаримиз акс этиб туриши керак.

ХУЛОСА. Масалан меҳмонхонани кўча томонга ва ётоқхоналарни ҳовли томонга жойлаштирган мақсадга мувофиқ. Шунда уйга кирган меҳмон дарҳол меҳмонхонага киради ҳамда бошқа хоналарга назари тушмайди. Ётоқхоналарнинг ҳовли томонда жойлашгани эса кўчадаги шовқиндан сақлайди. Айвонни эса янада очикроқ жойга жойлаштириш керак. Бунда айвонда ўтирган уй соҳиби ҳам куёш нуридан баҳраманд бўлади ҳам атрофдан хабардор бўлиб ўтиради. Уйнинг ўртасидаги йўлакни йўқотиб, хоналарга холл орқали кириладиган қилиш яхшироқ. Чунки йўлак ортиқча жойни эгаллайди ва унга табиий ёруғлик ҳам тушмайди. Хоналарнинг функционал жиҳатдан бир-бирига яқин қилиб жойлаштирилиши ҳам жуда муҳим. Ҳаттоки ётоқхоналар эшигининг қайси томонга очилишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Чунки ота-оналар ётоқхонасининг эшиги ташқари томонга очиладиган бўлса хона ичига кўз тушади. Бунинг олдини олиш учун эшикни ичкарига очиладиган қилиб лойиҳаланади. Ичкарига очилганда ҳам эшикни очканда хона маркази кўринадиган ҳолда эмас девор кўринадиган томонга очиш лозим. Хуллас анъанавий турар-жойларимизни такомиллаштириш мақсадида тинмай изланишимиз лозим.

REFERENCES

1. Adilovna, Q. S. (2021). Features of the Design of Public Buildings in the Organization of Public Services. *湖南大学学报(自然科学版)*, 48(10).
2. Ozadovich, K. A., & Ismailovich, I. B. (2021). Issues of Organization of Service Sets on the Uzbek National Highway A-380. *Design Engineering*, 2582-2586.
3. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
4. Yunusov, S. H., & Qodirova, S. A. (2021). Issues Related to National Forms in the Architecture of Uzbekistan. *Design Engineering*, 10940-10943.
5. Adilovna, Q. S., & Ozodovich, X. A. (2021). REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF INTERIORS IN SECONDARY SCHOOLS. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 74-77.
6. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in IX-XII Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(04), 148-151.
7. Qodirova, S. A., Aripova, N. A., Raximov, L. S., Turebaev, J. O., & Abdusalomov, U. X. (2021). Requirements For The Formation Of The Historical Structure And Internal Environment Of Secondary Schools. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(04), 60-64.
8. Qodirova, S. A., Raximov, L. S., Allayorov, K. O., & Sodiqov, M. M. (2021). Peculiarities Of The Buildings Of The Cultural And Educational Center. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(03), 1-6.
9. Abdujabbarova, M., Nazarenko, T., Begmatova, D., & Tuxtayeva, M. (2021). Industrial Production Of The Republic Of Uzbekistan. *The American Journal of Applied sciences*, 3(11), 39-47.
10. Xushnazavovich, Q. R., Xammatovna, S. M., & Mirkamol o'g'li, S. M. (2021). Traditional Houses and Architecture of Kashkadarya. *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 12, 459-463.
11. Khasanov, A. O., & Allayorov, K. O. (2021). Residential Yurts Of The Ancient Nomads Of Central Asia And The Use Of Yurts In Tourism. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(01), 58-64.
12. Adilovna, Q. S. (2021). THE LINK OF CULTURAL AND EDUCATIONAL CENTERS TO THE SOLUTION OF THE PROJECT IDEA. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 92-95.
13. Ozodovich, X. A., Iqamovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in Bukhara traditional residential areas.
14. Khasanov, A. (2020). Organizing Eco Tourism Along With Uzbek National Automobile Way. *Solid State Technology*, 63(6), 12674-12678.
15. Khasanov, A. (2016). About several infrastructure constructions of the Great Silk Road. *Int'l J Innov Sci Eng Technol*, 3(6), 295-299.
16. Ozodovich, X. A., & Azim o'g'li, N. A. (2021). Formation of the "Obod Mahalla" System in the Villages of Uzbekistan and Serving the Population. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(5), 325-329.

17. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
18. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.
19. TACI, A. K. About Several Infrastructure Constructions Of The Great Silk Road.
20. Mahmudov, O. Z. O., & Kasimov, I. M. (2021). THE STUDY OF THE GEOECOLOGICAL PROBLEMS OF A BIG CITY. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 271-275.
21. Раззаков, С. Ж., Холбоев, З. Х., & Косимов, И. М. (2020). Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов.
22. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.
23. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, 1(C6), 278-284.
24. Ravshanovich, A. Z. (2021). Issues Of Improving Tourism Opportunities In Namangan Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 26(2), 40-44.
25. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.